

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 26 кунини жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди ўз биносига, очиқ суд мажлисига, раислик қилувчи туман судининг судьяси Х.Ибрагимходжаев, судья ёрдамчиси А.Йўлдашқўзиев, тарафлардан давлат айбловчиси Учкўприк туман прокурори ёрдамчиси А.Эргашев, судланувчи Н.Дултаев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Эгамовнинг иштирокида Дултаев Насриддин Сирожидиновичга оид 1-1518-2402/280-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Дултаев Насриддин Сирожидинович (Dultayev Nasriddin Sirojiddinovich) 1975 йил 18 январь кунини Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2003 йил 26 май кунини ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “б,е” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Учкўприк тумани, Бобошбек МФЙ, Чўзма қишлоғи, 7-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 6 сентябрь кунини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Дултаев Бобошбек МФЙ, Пиртак қишлоғи ҳудудида жойлашган “Тожибоев Етавқўзи ота” фермер хўжалиги дала ер майдонларида деҳқончилик билан шуғулланиб келиб, 2024 йил 23 август кунини Учкўприк тумани ИИБ ЖХХ ХПБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори-2024” тадбирлари давомида унинг эғнида бўлган кийимлари кўздан кечирилганда, шимининг ўнг чўнтагидан оқ қоғозга ўралган ҳолатда ҳамда ўзи томонидан деҳқончилик қилиш учун қурилган контейнердан ясалган қапа устига қизил рангли қоғозга ўралган ҳолдаги яшил рангли ўткир ҳидли қуруқ холадаги наша гиёҳванд моддага ўхшаш бўлган моддалар сақлаб келаётганлигини аниқланиб, ушбу моддалар ҳужжатлаштирилиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 24 август кунини №516-сонли хулосасига кўра, Н.Дултаевнинг дала майдонига қурган капаси устини ёғочи орасидан далилий ашё тариқасида олинган яшил рангли, ўткир ҳидли, қуруқ



ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўсимлик моддаси таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддаси “марихуана” деб аталувчи гиёҳванд моддалар туркумига кириши, унинг соф оғирлиги 0,18 грамм эканлигини аниқланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 24 август кунги №517-сонли хулосасига кўра, Н.Дултаевнинг кийими чўнтагидан далилий ашё тариқасида олинган яшил рангли, ўткир ҳидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўсимлик моддаси таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддаси “марихуана” деб аталувчи гиёҳванд моддалар туркумига кириши, унинг соф оғирлиги 2,20 грамм эканлигини аниқланган.

Суд-наркологик экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги №475-сонли хулосасига кўра, Н.Дултаев марихуана гиёҳвандлик моддасини ҳар-ҳар замонда, эпизодик равишда истеъмол қилиши, лекин гиёҳвандлик касаллиги билан касалланмагани, шунга қарамай алкоғолга тобелик 2-босқичи касаллиги билан касаллангани, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чорасига муҳтожлиги аниқланган.

Судланувчи Н.Дултаев судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳозирда Учкўприк тумани Чўзма қишлоғида жойлашган фермер хўжалигидан ер майдони олиб деҳқончилик қилиб келишини, Чўзма қишлоғида жойлашган “Тожибоев Етавқўзи ота” фермер хўжалиги дала ер майдонига сув чиқариш учун ўрнатилган сув насосини ишлатиб келиб, сув насос олдида контейнер ўрнатгани, одатда ҳар замонда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келиши, 2024 йил 23 август куни эрталаб бироз спиртли ичимлик истеъмол қилиб, деҳқончилик қилиб келаётган контейнердан ясалган қапа олдида борган вақтида, ер майдони четида ўсиб турган наша ўсимлигини кўриб қолиб, унда ушбу наша ўсимлигини қуритиб чекиш нияти пайдо бўлгани, ушбу наша ўсимлиги баргларида териб олиб, қўлбола усулда қуритиб чекмоқчи бўлиб, баргларини териб келиб қуритгани ва икки бўлиб оқ қоғозга солгани, бир қисмини эғнида бўлган спорт кийими чўнтагига ва бир қисмини триконинг чўнтагига солгани, ўша куни соат 15:30ларда контейнердан ясалган қапада ўртоғи А.Неъматов билан суҳбатлашиб ўтирган вақтида, олдида шу ҳудудда хизмат олиб борувчи профилактика инспектори келгани, суҳбат давомида ИИБ ходими уни ҳаракатларидан шубҳаланиб, эғнида бўлган нарсаларни кўрсатишини сўраганида, у эғнидаги трикони чўнтагида бўлган нарсаларни чиқарганида, ўзи истеъмол қилиш учун қоғозга ўраб олиб қўйган наша ўсимлиги баргларини аниқлашгани, ундан ушбу наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни қаердан олганлиги ҳақида сўрашганида, наша ўзимлигини ўзи қуритиб истеъмол қилиш учун даладан териб олганлигини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари капани кўздан кечириш давомида спорт кийимининг чўнтагида бўлган оқ қоғозга ўралган ҳолатдаги наша ўсимлигини топишгани, контейнердан ясалган капани кўздан кечириш давомида, тахта устунга қизил рангли қоғозга ўраб қўйилган наша ўсимлигига ўхшаш модда баргларини қуритилган ҳолатдагиси аниқлангани, ушбу қизил рангли қоғозга ўралган



ҳолатдаги наша ўсимликлари ҳам унга тегишли бўлиб, ўзи истеъмол қилиш учун қуришиб олиб қўйган бўлгани, туман ИИБ ходимлари текшириш давомида бошқа наша ўсимликларини аниқлашмагани, аниқланган наша ўсимликларини текшириб кўришлик учун холислар иштирокида олишгани ва ИИБнинг хатлар учун муҳри билан муҳрлангани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, оилавий шароити яхши эмаслигини инобатга олган ҳолда, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Неъматов судда, 2024 йил 23 август куни синфдоши Н.Дултаев билан кўчада кўришиб, уни Учкўприк тумани Пиртак қишлоғида жойлашган дала ер майдонига макка эканлиги сабабли ўша ерда бирга гаплашиб ўтиришгани, орадан бироз вақт ўтиб, қапага Учкўприк тумани ИИБ профилактика инспекторлари келиб, текширув бўлаётганлигини айтиб, эғнида бўлган кийимларни текшириб қўйишларини айтишгани, шу вақтда соат 15:30лар бўлгани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари Н.Дултаевни эғнида бўлган кийимлари ва ўтирадиган капасини текшириб кўришларини айтишгани, ИИБ ходимлари уларни иштирокида Н.Дултаевдан гиёҳвандлик воситаси ва бошқа тақиқланган моддалар бўлса ўз ихтиёри билан тақдим қилишини сўрашганида, у гиёҳванд моддалар йўқлигини ва бемалол кўришлигини билдиргани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари Н.Дултаевни эғнида бўлган кийимларни кўздан кечиришганда оқ қоғозга ўралган ҳолатдаги, қуритилган ҳолда гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддалар борлигини аниқлангани, Н.Дултаевни ўзи ўтирадиган қапада турган спорт кийими чўнтагидан ҳам оқ қоғозга ўралган ҳолатдаги қуритилган ҳолдаги гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддалар борлиги аниқлангани, кўздан кечириш давомида қапага ўрнатилган ёғоч орасидан қизил рангли қоғозга ўралган ҳолатдаги ўткир яшил рангли наша ўсимлигига ўхшаш моддалар борлиги аниқлангани, Н.Дултаевни эғнида бўлган шалвари ва қапага илинган ҳолатдаги спорт кийими чўнтагидан аниқланган наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар бирлаштирилиб, капани оёқлари орасидан аниқланган наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар алоҳида қилиб текшириб кўришлик учун баённомаси расмийлаштирилиб, ИИБ ходимлари томонидан олингани, наша ўсимлигига ўхшаш моддаларини қоғоз конвертга солиниб, уларни иштирокида муҳрланганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Азизов судда, 2024 йил 23 август куни соат 15:30ларда ўз ишлари билан Учкўприк тумани Бобошбек МФЙ, Пиртак қишлоғи ҳудудида жойлашган далага ишлари билан чиққанида, уни ИИБ ходимлари чақиритиб ва бир ишда холис сифатида қатнашишини илтимос қилишганида рози бўлгани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари унга Н.Дултаевни эғнида бўлган кийимлари ва ўзи ўтирадиган капани текшириб кўришларини айтишгани, уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни иштирокида Н.Дултаевдан гиёҳвандлик воситаси ва бошқа тақиқланган моддалар бўлса ўз ихтиёри билан тақдим қилишини сўрашганида, у гиёҳванд моддалар йўқлигини ва бемалол кўришларини билдиргани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари Н.Дултаевни эғнида бўлган кийимлари кўздан кечирилганида оқ қоғозга ўралган ҳолатдаги, қуритилган ҳолатдаги гиёҳвандлик воситасига



Ўхшаш моддалар борлигини аниқлангани, Н.Дултаевни ўзи ўтирадиган қапада турган спорт кийими чўнтагидан ҳам оқ қоғозга ўралган ҳолатдаги куритилган ҳолдаги гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддалар борлиги аниқлангани, кўздан кечириш давомида қапага ўрнатилган ёғоч орасидан қизил рангли қоғозга ўралган ҳолатдаги ўткир яшил рангли наша ўсимлигига ўхшаш моддалар борлиги аниқлангани, Н.Дултаевни эғнида бўлган шалвари ва қапага илинган ҳолатдаги спорт кийими чўнтагида аниқланган наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар бирлаштирилиб, капани оёқлари орасидан аниқланган наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар алоҳида қилиб текшириб кўришлик учун баённомаси расмийлаштирилиб, ИИБ ходимлари томонидан олингани, наша ўсимлигига ўхшаш моддаларини қоғоз конвертга солиниб, уларни иштирокида муҳрланганини айтиб кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи Н.Дултаевнинг айби, суддаги гувоҳларнинг берган кўрсатувлари, жиноят ишидаги ашёвий далилни тортиб олиш кўздан кечириш баённомаси, экспертиза хулосалари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, судланувчи Н.Дултаев ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан жами 2,38 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, судланувчи Н.Дултаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида шахсини, оилавий шароитини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, алкогольга тобелик II босқичи касаллиги билан касалланганлиги инobatга олган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида алкогольга тобелик иккинчи босқичи касаллигидан мажбурий даволаниш чораси белгилашни лозим топди.

Суд, ашёвий далил тариқасида олинган гиёҳвандлик воситаларининг текшириш жараёнида сарфланганини инobatга олиб, қолган 2,05 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Дултаев Насриддин Сирожидинович (Dultayev Nasriddin Sirojiddinovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Н.Дултаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Учкўприк туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Н.Дултаевга нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган сўнг бекор қилинсин.

Н.Дултаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида алкогольга тобелик иккинчи босқичи касаллигидан мажбурий даволаниш чораси белгилансин.

Ашёвий далил сифатида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган текширишдан қолган 2,05 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Х.Ибрагимходжаев

Нусхаси аслига тўғри

Х.Ибрагимходжаев

